

**ЎЗБЕКИСТОНДАГИ МУЗЕЙЛАР ФОНДИ АҲВОЛИ ВА
САҚЛАНАЁТГАН АСОРИ-АТИҚАЛАРНИНГ ИЛМИЙ-МАЪРИФИЙ
АҲАМИЯТИ.**

“МУЗЕЙЛАР-ТАРИХ ВА БУГУННИБОҒЛОВЧИ ЖОНЛИ КЎПРИКДИР”.

Бегмурадова Муқаддамхон Қосимовна
*Тошкент вилояти Маданий мерос бошигармаси
Боши мутахассиси.*

Ҳар бир миллат юксалиш сари юз тутар экан, албатта тарихий тажрибага суянади. Йиллар тилсими, асрлар довонида бизнинг битмас-туганмас тарихимиз, бой маданиятимиз, урф-одат ва анъаналаримиз яширин. Инсониятга маълум ва номаълум бўлган авлод-аждодларимизнинг ҳаёт тилсимини ўрганиш, излаш ҳамда уларни келажак ворисларимизга етказиб бериш ҳар биримизнинг чин инсонийлик бурчимиздир. Бу олийжаноб ва устивор вазифаларни амалга оширишда инсон омили ва унинг яратувчанлиги алоҳида аҳамият касб этади. Тараққиёт бешигини буюк тарих билан жонлантириб уни абадиятга муҳрлашда музейларнинг ўрни бекиёсdir.

Музей-(юононча сўздан олинган бўлиб, музаларга бағишлиланган жой) музей ашёлари ва коллекцияларини сақлаш, ўрганиш ҳамда оммага намойиш этиш учун мулкдор томонидан ташкил этилган доимий фаолият юритувчи нотижорат маданият муассасаси бўлиб, музейларнинг тарихи ва ижтимоий вазифалари, музей ишининг назарияси ва услубиёти музейшунослик ёки музеология фанлари ўргатади. Республикамиз ҳамда дунёning барча музейларида халқларнинг бой маданий мероси, уларнинг инсоният тарихидаги ўрни, тараққиёт босқичларини ҳаққоний акс эттириш ҳамда замонавий ривожланиш истиқболларини чуқур ўрганиб, миллий ғояларига мос ва ҳос равищда экспозициялар яратиш орқали маҳаллий ва хорижий сайёҳлар онгida тарихимизнинг турли даврларига оид бўлган асори-атиқалар билан кенг танишириш ҳамда музейларда сақланаётган ноёб экспонатлар орқали халқ онгida умумбашарий қадриятларга, бой миллий маданий меросимизга ҳурмат-эҳтиром, Ватанимизнинг буюк келажагига етук ишонч туйғулурини тарбиялаш устивор вазифа сифатида туради.

Музей ашёлари сифати ёки алоҳида белгилари жамият манфаатлари учун сақлаш, ўрганиш ва оммага намоён этиш зарурати мужассам бўлган маданий бойлиқdir. Музей ашёларини сақлаш ва уларни бир неча йиллар давомида маънавий қадриятларни юксалтиришда ёшларга ўrnak ва намуна сифатида мерос қилмоғимиз зарур. Ашёларни бир неча йил ва асрлар давомида сақлашда маҳсус жиҳозланган музей заҳирахоналарининг ўрни бекиёсdir. Музей фонд (Ўзбекистон Республикаси худудида доимий турган музей ашёлари ва музей коллекциялари мажмуи)ларида сақланаётган экспонатлар музей тўпламини ташкил этади. Музей томонидан доимий сақлаш учун қабул қилинган тарих ва бугунги тараққиётнинг барча даврларига оид

экспонатлар музей фондларида сақланади. Фондларда сақланаётган, кирим китобига киритилган экспонатлар сонини мунтазам равишда бойитиб бориш, музей ашёлари ва коллекцияларини ҳисобга олиш, сақлаш, таъмирлаш ва улардан фойдаланишда фонд сақлаш хоналари мукаммал даражада бўлиши лозим. Музей фондлари асосий, илмий-кўмакчи ва хом -ашё фондларига бўлинади.

1. Музейларнинг асосий фондлари таркиби тарихий йўналишдаги жаҳон халқлари тарихининг турли даврларини, улкан тарихий воқеаларни, ўзбек давлатчилиги ривожланиш босқичлари тарихини ўзида акс эттирган ашёлар ва коллекциялар, шу жумладан: моддий ёдгорликлар, таъсвирий санъат намуналари, киноматериаллар, фонограмма ёзувлари, ёзма ёдгорликлар, моддий ёдгорликлар, кино, видео, фото материаллари ташкил этади.

2. Музейнинг илмий-кўмакчи фондига қуйидагилар киради: музей ашёларини йифиш, ўрганиш ва намойиш этиш учун тайёрланган экспонатлар фото нусҳалар, қуйиб олинган нусҳалар, муляжлар, макетлар, ёдгорликларнинг қайта тикланган кўринишидаги хариталар, диорамалар, чизмалар, схемалар ва тархлар, тез бузилдадиган ва вақти -вақти билан алмаштириб туриладиган ҳом-ашё ва материаллар, табиат ҳодисаларини намойиш этиш учун ёрдам берадиган айрим табиий буюмлар ўрин олади. Илмий-кўмакчи фонддаги баъзи бир экспонатлар асосий фондга ўтказилиши мумкин.

3. Музейнинг хом-ашё фондига музей лабараториясида тадқиқот ёки маҳсус химиявий моддалар яратиш учун органик моддалар. илмий экспидицияларда йигилган турли фрагмент ва ҳайвон терилари киради.

Йиллар давомида музей фондларини бойитиб бориш масаласи устувор вазифа сифатида туради. Фондлар таркиби кирган асори-атиқалар асосан археологик тадқиқотлар, илмий изланишлар, турли хил экспидициялар ўтказиш натижасида топилган бўлсада улар устида илмий тадқиқотлар олиб бориш масаласи ҳанузгача оқсоқлигича қолмоқда. Ундан ташқари бугунги замонавий дунёning глобаллашуви жараёнлари ҳамда фан-техника ютуқларини ўзида мужассам этган тараққиётнинг турли даврларини ўзида жамлаган турфа йўналишдаги экспонатлар музейлар фондлари ва кўргазма залларидан ўрин олган. Менинг фикримча, баъзи бир экспонатлар музей заҳирахонасига кирим қилиб киритилгандан бошлаб ҳеч қачон қизиқувчининг қўлига тушмаганлиги ёки кўргазма залларида намойишга қўйилмаганлиги музейшунослярнинг энг катта мағлубиятидир. Музейларда фаолият юритаётган илмий ходимлар ўзларининг бўлимларига оид бўлган экспонатларни ўрганиб чиқиши, илмий тавсифларни ёзишда юқори савиядаги асосларга таяниши, ёш олимлар, ёш изланувчилар ва соҳага янги кириб келаётган ёшларни кўпроқ жалб этишлари лозим. Ундан ташқари илмий ижод муҳитини ривожлантиришда устоз шогирд анъаналарига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Фондларда сақланаётган экспонатларни сақланиш даражасига алоҳида эътибор бериш, барча сақлаш жойлари учун жавонлар, стиллажлар, витриналар етарли даражада бўлиши, музей ашёлари ва

коллекцияларининг узоқ йиллар бут асраш, ёдгорликларни емирилишдан, касалланишдан, ўғирланиш ҳамда бузилишдан ҳимоя қилиш, уларни ўрганиш, намойиш этиш ва оммалаштириш учун қулай шароитлар яратиш лозим. Ундан ташқари музей захирахоналарида экспонатларни тўғри сақланишига кафолат берувчи бинонинг умумий ҳолати тўғри келиши, иситиш ва совутиш тизими етарли бўлиши, шамоллатиши ҳолати яхши бўлиши, том ва тарновлари ҳолати соз бўлганда гина ичкаридаги намлик муҳити қониқарли ахволда бўлишига алоҳида эътибор қаратилиш лозим. Ҳар бир захирахоналарда ва кўргазма залларида углекислотали янни қуруқ ўт ўчиригичлар бўлиши шарт. Захирахоналарнинг баландлиги 7 м.дан кам бўлмаслиги, эшиклари металлдан ясалган герметик беркитиладиган, девор ва жихозлар ёнғинга чидамли материаллар билан ўралган бўлиши, экспонатлар ҳимояланган бўлиши лозим. Турли хилдаги экспонатларни сақлашга мўлжалланган хона ва уларни сақлашга мослаштирилган бўлиши, экспонат сақланган жавон эшиклари ёпилмаслиги, жихозлар вақти-вақти билан заарсизлантирувчи воситалар билан ишлов бериб турилиши лозим. Турли хил экспонатлар битта хонада сақланганида ҳаво ҳарорати 18+1 градус атрофида, нисбий намликнинг юқори микдори 55%+5% бўлиши керак. Республикамизнинг баъзи бир худудларидаги музей фонdlарида экспонатларни юқори даражада сақлаш учун етарли даражада имконият йўқлигини инобатга олганимизда бир-бирига яқин бўлган экспонатларни қуидаги тартибда жойлаштириш мумкин.

- 1.Металл, шиша, ганч ва гипсдан ишланган буюмларни қуруқ хоналарда.
- 2.Мармар, оҳактош, сопол ва чин nilарни намлик юқори бўлган хоналарда.
- 3.Археологик топилмалар учун ўта қуруқ хона ажратилиши.
- 4.Қалайдан ясалган ашёлар, формалинли перепаратлар паст ҳароратли хоналарда.
- 5.Фото материаллар ўртacha намликда.
- 6.Қимматбаҳо ва яrim қимматбаҳо тошлар ҳамда қаҳрабодан ясалган буюмлар иситилмайдиган хоналарда паст ҳароратда сақланиши лозим.

Алоҳида айтиб ўтиш жоизки, музей ашёлари ва коллекциялари сақланадиган барча хоналар шамоллатиб турилиши мақсадга мувоғиқ бўлиб, шамоллатиши орқали нисбий намликни бир хилликда ушлаб туришга эришилади. Музей ашёлари ва музей коллекциялари ясалган материал эскиришининг асосий сабабларидан бири ёруғлик нури бўлиб, айниқса, табиий ёруғлик юқори бўлса музей ашёлари ва музей коллекцияларининг рангги ўчиши ва материалларнинг емирилиши қузатилади. Қуёш нурининг барча материалларга, органик моддаларга, шунингдек, қимматбаҳо ва яrim қимматбаҳо тошларга, минералларга ва рангли шишаларга тўғридан-тўғри тушишига йўл қўймаслик лозим. Китоблар, графиканинг барча турлари, қўлёзмалар, фотосуратлар, газмоллар, ботаник ва зоологик коллекциялар, чарм ашёлар сақлашда эҳтиёткорлик талаб этилади. Хоналарни 50-75 люкс атрофида ёритилиш талаб этилади. Мойбўёқ, темпера ишланган суръатлар ва суждан ясалган предметларни

сақлаш учун кундузи ҳам доимий табиий ёки сунний ёргулук талаб этилади. Ёргулук кам бўлса ашёнинг устки қисми ва пардози қораяди, суяк сарғаяди. Фондда сақланаётган ашёларнинг кўпчилигини ёғоч қўнғизи, куя, ёғоч кемирувчи, терихўр, мюмбир қўнғиз, пашша, бит каби ҳашоротлар емиради. Ҳашоротлар шиша, шиша, металл, ойна ва сополдан ташқари барча турдаги коллекцияларни емиради. Экспонатларни сақланиш ҳолатини кўздан кечирилганда асосий эътиборни чармдан ясалган ашёларга, рангли қаламда чизилган суръатларга, фото ва қоғоз материалларга, шунингдек, қора ва рангли металл буюмларга ҳамда археология материалларига қаратиш керак. Захираоналарда рангтаъсвир асарларини сақлаш бир неча усувларда ташкил этилиш мумкин. Деворга осиб сақлаш, тўсқич ёки шитларга осиб сақлаш, стеллажларда сақлаш, малбертларга қўйиб сақлаш, таҳланган ҳолда вактинчалик сақлаш, ғалтакка ўраб сақлаш усувларидан фойдаланса мақсадга мувофиқ. Газламалар материалига (шойи, жун, ип-газлама ва ва бошқа) қараб, ёпиқ жавонларда, кийим-бошга мўлжалланган жойларда сандик ва қутиларда сақланади. Суяк ашёлари чанг ўтмайдиган витриналарда сақланади. Асосий эътиборни акварел бўёқларда миниатюралар ишланган фил суюкларига қаратиш лозим. Суюкларни хўл латта билан артиш мумкин эмас. Фақатгина таъмирчи уста таъмирлаши мумкин. Ёғочдан ишланган ҳайкаллар, катта ҳажмдаги нақшли қутичалар, чархлар ва шу каби буюмлар пластик ёки линолеум билан қопланган стеллаж ва точкаларда сақланади. Унча катта бўлмаган анжомлар, идишлар, ўйинчоқ ва бошқа нарсалар витринада сақланади. Садаф, металл, суяк ва турли қимматбаҳо ёғочдан йифма нақшлар бериб безатилган ашёларнинг жойини ўзгартиришда эҳтиёткорлик талаб этилади. Чинни, фаянс ва сопол тарелкаларни тик ҳолда маҳсус бўлинмали ёғоч идишларида сақланади. Сопол ва бошқа шиша идишлар орасига бошва идишлар қўйилиши тақиқланади. Чинни ва фаянсни спирт аралаштирилган илиқ сувда майин дока билан артилса узоқ йиллар ўз жиловини йўқотмайди. Шиша буюмларни сув билан ювилмайди. Сув шиша таркибидағи тузларни эритиб юборади. Ўрта ва катта ҳажмдаги гипс, оҳактош, мармар ҳайкаллар ғилофга ўралган ҳолда сақланади. Ғилофлар микалент қоғоз ёки пишиқ матодан тикилади. Матодан тикилган ғилофларни тез-тез ювиш, қоғоз ғилофларни эса алмаштириб туриш керак бўлади. Тошлар мармар, гранит, базальт, кварцит каби тошларни бир йилда бир марта ювиш талаб этилади. Нумизматика ашёлари (тангалар, медаллар, орденлар, турли нишонлар ва б.) яssi тортмалар билан жиҳозланган жавонларда сақланади. Тортманинг баландлиги 3-5 см бўлади. Кумуш ашёлар турган жавонлар ва витриналар тагига шойи тўшалади. Тўшашадан аввал шойини қўроғшиннинг нордон-сиркали 10%ли эритмасида шимдирилиб, қуригач дазмолланади. Металл ашёлар билан ишланади ипдан тўқилган қўлқоп кийиб олиш тавсия этилади. Кинотасмалар темирдан ишланган маҳсус қутиларда, овоз ёзилган тасмалар маҳсус картон қутиларда сақланади. Фото негативлар маҳсус қопқоқли қутича ёки каталог тортмасида сақлаш мақсадга мувофиқ. Ботаник экспонатлар сирасига гербариylар, ботаник

“Молодой исследователь”

Организовано в масштабах Содружества Независимых Государств (СНГ)
международный научно-практический конкурс

гурухлар, суюқ перепаратлар, дараҳт турларининг намуналари кириб улар оила ва типига қараб тизимлаширилади ва алоҳида муқовали папкаларда тўпланади. Зоологик материалларни консервациялаш усулига кўра икки гурухга ажратиш мумкин. Консервацияловчи суюқликлар спирт ва формалин да сақланадиган перепаратлар улар жумласига балиқлар, сувда ва қуруқдикда яшовчилар, судралиб юрувчилар, майда сут эмизувчилар киради. Қуруқ объектлар гуруҳига эса тулумлар, терилар, нимталар, скелет ва бошқа сүяклар, тухумлар, қушлар уяси, умуртқасиз жониворлар (моллюскалар, чиғаноқлар, қуритилган игнатериликлар) коллекциялари киради. Мўйнали ҳайвон терилари жавонларга осилган ҳолда сақланади. Қушлар ва сут эмизувчиларнинг тулумлари маҳсус сандиқларда сақланиши керак.

Музей фондларида сақланадиган экспонатларни кўп йиллар сифатли сақланиши, рестоврация ишларини ташкил этиш, таъмирлаш устахоналари, таъмирлаш жиҳозлари ҳамда таъмирчи усталарни мунтазам равишда малакасини ошириб бориш талаб этилади. Таъмирлаш кенгashi назорати остида ҳар бир экспонатнинг ҳолати ва тамирга муҳтожлари ҳақида хуносалар тақдим этиб бориш ва музейда таъмирлаш тизими ва фондда сақланаётган экспонатларнинг йиллар давомида миллатимизнинг юзи сифатида асрараш бу соҳага тажрибали, етарли малакага эга бўлган кадрларни тайёрламоғимиз давр талабидир. Заҳирахоналарда ашёларни сақлаш, таъмирлаш, бутлаш, рестоврация қилиш жараёнларида киши ўзи билмаган ҳолда экспонат тарихи ва нима учун ишлатилганлиги, қайси давр ва маданиятга оидлиги ҳамда бугунги кундаги аҳамиятига нигоҳ ташлайди. Илм ўрганишга, рестоврация сирларини билишга интилади. Ўз-ўзидан бу ходимлар ўртасида илиқ муносабатлар ва маънавий муҳит яхшиланади. Демакки, ҳар бир ҳатти-харакатимиз замирида инсон омили турар экан музейшунослик соҳасида ҳам ҳали ўрганилмаган сир синоатлар, илм ва марифат муҳити ётганлигини, айни дамда бу жараёнларни ташкил этиш билан шуғулланиш сизу бизнинг чин инсонийлик бурчимиз эканлигини унутмоғимиз лозим.